


ТИЛ БЕЛГИЛАРИНИНГ НУТҚҚА КЎЧИРИЛИШИ



Наргиза СУЛЕЙМАНОВА

катта ўқитувчи

Самарқанд давлат чет тиллар институти

ssifl_ilmiy@umail.uz

Аннотация

Мақолада XX аср тилшунослигида тил билан нутқни фарқлаб ўрганиш лозимлиги масаласи тадқиқотлар кун тартибига киритилганлиги ҳақида фикр юритилади. Чунки қарийб бугунги кунга қадар айрим тилшунослар тил ва нутқни муштарак ҳодиса деб билардилар. Ф. де Соссюр ҳали ўз даврида башорат қилиб, тилшуносликни икки қисмга — тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикасига бўлиб ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Аннотация

В статье рассматривается проблема перехода языковых единиц в речь. Как известно, в XX веке в языковедческой науке произошло огромное по своей значимости событие: была осознана необходимость отдельного изучения языка и речи. Еще Ф. де Соссюр говорил о необходимости разделения языковедческой науки на два направления – лингвистику языка и лингвистику речи.

Abstract

This article deals with the problem of the transition of linguistic units into speech. As we know, in the twentieth century a significant event took place in linguistic science – the need for separate study of language and speech was realized. More F. de Saussure talked about the need to divide linguistic science into two areas – language and speech.

Калит сўзлар: нутқ, синтактик структура, номинативлик, синергетика, тил бирликлари.

Ключевые слова: речь, синтаксическая структура, номинативность, синергетика, единицы языка.

Keywords: speech, syntactic structure, nominatives, synergetic, language units.

XX аср тилшунослигида тил билан нутқни фарқлаб ўрганиш лозимлиги катта ижобий воқеа бўлди. Ф. де Соссюр томонидан “тил ва нутқ” дихотомияси илмий асослаб берилган эди. Бироқ шундай бўлса ҳам, бу масаланинг асл моҳияти эндигина ўз ифодасини топмоқда. Бунинг далилини бугунги кунда нутқ лингвистикасининг алоҳида илмий мақом олганлигида кўрамиз. Бу, албатта, Соссюр номи билан узвий боғланади. Олим Женева университети талабаларига умумий тилшуносликдан маъруза ўқиган пайтида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: “Ҳа, жаноблар, ўша тилшунослик ҳақида, фақат тилшунослик билан шуғуланадиган маудон жуда кенг.

Тилшунослик икки қисмдан иборат: бири тилга яқин пассив, иккинчиси нутққа актив”(8, 206).

Кўринадики, Ф. де Соосюр ҳали ўз даврида башорат қилиб тилшуносликни икки қисмга-тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикасига бўлиб ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидланган эди. Албатта, тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврига қадар тил лингвистикаси муаммолари мукамал ўрганилди. Аммо нутқ лингвистикасининг илмий асосланганлиги эндигина тан олиниб, унга ҳаётга йўлланма берилмоқда.

Назаримизда, бунинг аҳамияти каттадир, зотан, айтиш пайтда ташқи тилшунослик муаммолари ҳам тадқиқотларимиз кун тартибидан ўрин олдики, бу орқали инсон омили ҳам энг кучли когнитив –прагматик восита сифатида ўрганилмоқда. Шу боис ХХІ аср тилшунослиги антропоцентрик мақомга эга эканлиги алоҳида таъкидламоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, когнитив тилшунослик ўргананадиган барча масалалар тил унсурларининг мазмуний жиҳатларини тақозо этади. Бундан ташқари, бундай масалалар ташқи тилшуносликда текшириладиган объектларни ўз ичига олади. Бошқача айтганда, когнитив тилшунослик муаммолари – система, унинг воқеланиши, система birlikларининг ички боғланиши, уларнинг тилдан нутққа кўчирилиши ва ҳ.к., каби масалалар билан шуғулланмайди. Когнитив тилшуносликнинг асосий текширув объекти, бизнингча, тилнинг коммуникатив функцияси билан узвий боғланади. Шу боис айтиш керакки, Е.А. Попованинг когнитив тилшунослик – бу тил билан инсон омилининг муносабатини ўрганувчи ягона соҳа эмаслиги ҳақидаги фикрига тўлиқ қўшилаемиз. Унинг бу хусусда билдирган куйидаги мулоҳазалари ибратлидир: “...антропологик эпитет тилнинг ҳозирги парадигмасини ўрганишда энг қулай ва тўғри тушунчадир. Зеро, бу орқали нафақат тилнинг когнитив хусусиятини, балки унинг функционал – коммуникатив жиҳатларини тадқиқ этиш ҳам мумкин”(4, 71).

Бугунги тилшуносликда коммуникатив жараённинг асосий бирлиги сифатида матн кўрсатилмоқда, зотан, унда тилнинг барча birlikлари ўзаро кесишади. Бироқ матн жумлалардан (гаплардан) ташкил топади. Албатта, кенг маънода тилнинг нутқда қўлланилишини матнда қайд этаемиз. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, тилнинг индивидуал қўлланилиши жумлалар орқали содир бўлади. Шу боис жумлани (гапни) коммуникатив жараённинг асосий ва минимал бирлиги сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий тилшуносликда мулоқот бирлигини дискурс деб аташмоқдалар. Жумла эса (высказывание) аксарият ҳолларда ана шу нарсанинг ўзини тақозо қилади.

Бу ўринда, гарчи чекиниш бўлса-да, жумла ва гап тушунчалари ҳақида қисқача тўхтаб ўтишни лозим топдик. Жумла ва гап тушунчаларининг ҳар иккиси ҳам тилимизда фаол қўлланилади. Бироқ жумла билан гап муштарак тушунчалар эмас. Жумла тушунчаси аксарият ҳолларда нутқимизда қўлланивчи синтактик структураларнинг барчасини ўз ичига олади. Унда предикатив қурилмалар ҳам, нопредикатив қурилмалар ҳам фарқланмайди. Гап тушунчаси эса грамматик ҳодисани ўз ичига олади ва у шу боис алоҳида категорияни тақозо этади.

Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, кўпгина манбаларда жумла тушунчаси гап билан муштарак ҳодиса сифатида талқин этилади. Баъзи ишларда эса жумла тушунчасига асосий эътибор қаратилади. Гап тушунчаси эса иккинчи даражали бўлиб қолади. Бу хусусда В.Б. Касевич қўйидагиларни қайд этади: “Баъзан, ҳатто гап тушунчаси тилшунослар томонидан ўйлаб топилган, амалда эса бундай бирлик йўқ, деган мулоҳазаларни ҳам учратамиз”(2, 95).

Эмил Бенвенист биз тилдан фойдаланганимизда муҳим восита саналувчи индивидуал акт энг аввал сўзловчини нутқий жараён параметри сифатида фаоллаштиришини таъкидлайди. Бунда жумла (гап) шакллангунча тил ўзига хос имконият тарзида мавжуд бўлишини, нутқий жараён бошлагандан кейин эса инсонга товушлар орқали фаолият кўрсатиши учун шароит яратувчи фаол воситага айланишини алоҳида эслатиб ўтади(1, 313).

Бизнингча ҳам ана шу жараёнда сўзловчининг прагматик фаоллиги бошланади ва ҳар бир жумла учун зарур бўлган тил бирликларининг тилдан нутққа кўчирилиши босқичма-босқич содир бўла бошлайди. Бошқача айтганда, айти пайтда тил бирликларидан нутқда фойдаланишнинг индуктив усули фаоллик кўрсатади ва бунинг натижасида матн шаклланади. Прагматик нуқтаи назардан бу ўринда сўзловчининг иллокутив режаси амалга ошади.

Албатта, мазкур ҳодисаларнинг барчаси коммуникатив жараён билан узвий боғланади, зеро, бу ўринда сўзловчи (инсон омили) муҳим вазифа бажаради. У.Л. Чейф бунда сўзловчи ва тингловчининг психологик ҳолати ҳам аҳамият касб этишини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, тафаккур билан боғлиқ бўлган семантик структуралар инсон миёсида фонологик структураларга айланади ва шу орқали лингвистиканинг тафаккур жараёни (билиш жараёни) билан узвий алоқаси вужудга келади. Ҳар қандай тил ҳодисасини ҳам инсон тафаккури билан, бошқача айтганда, унинг онгида нималар кечаётгани билан ҳисобланмай тадқиқ этиш қийин(7, 47).

Кўринадики, У.Л. Чейфнинг лингвистик қарашларида асосий эътибор тилни индуктив, яъни хусусий билимларга асосланган ҳолда ўрганишга қаратилади. Бироқ олимнинг бу қарашлари, назаримизда, умумий масаланинг

фақат бир томонини ташкил қилади. Зотан, лингвистик тадқиқот тилни коллектив билиш масаласи билан ҳам узвий боғланади. Чунки тил билан, хусусан, уни амалда қўллаш масаласи билан алоқадор аксарият муаммолар шу тилда сўзлашувчи омманинг билиш салоҳияти билан ҳам узвийлик ташкил этади(3, 199).

Бироқ У.Л. Чейфнинг коммуникатив жараён қатнашчилари ҳар доим тилдан ташқари муҳит билан боғлиқ эканлиги ва бунинг тилдан нутқда фойдаланишда муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги мулоҳазалари ибратлидир(7, 47). Чунки тил бирликларининг функционал фаоллашуви прагматик омиллар қуршовида рўй беради. Бунда, айниқса, нутқ муҳити муҳим рол ўйнайди. Фикр далилини муайян тил бирлигининг қўлланиши бир нутқ муҳитида мумкин бўлиб, иккинчи муҳитда инкор этилишида кузатиш мумкин. Бу жараёнда, албатта, контекст катта нуфузга эга бўлади. Е.В. Падучеванинг қайд этишига кўра, кўпгина сўзлар ўзларича мустақил маъно англата олмайди. Контекстдан ташқарида келган сўз аксарият ҳолларда кўп маъноли бўлади, улар жумла таркибида қўлланилганда эса бир маъноли бирликни (номинатив бирликни) тақозо этади. Бундан ташқари, жумлада (гапта) қўлланилган сўз яққа маъноли бўлишига қарамай, жумланинг умумий мазмуни мазкур сўзлар англатаётган маънодан келиб чиқмаслиги ҳам мумкин(5, 12). Масала тавсифининг бундай қўйилиши эса ҳар бир сўз (ёхуд тилнинг номинатив бирлиги) фақат контекста, синтагматик қатор занжирида муайян функция бажариши ва муайян маъно англаташидан далолат беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, тил бирликларининг синтагматик қаторда қўлланилиши жараёнида функционал қиммат касб этишини тил материали таҳлилига систем-структур нуқтаи назардан ёндашилганда янада мукамал ва аниқроқ кузатиш мумкин. Бошқача айтганда: “Нутқий фаолиятни ва у билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этишда масала тавсифига систем нуқтаи назардан ёндашиш энг ишинчли восита саналади”(6, 24). Е.В. Пономаренко бу хусусда мулоҳаза юритганда яна қуйидагиларни тўғри таъкидлайди: “Тил ўз бирликлари бир-бири билан узвий муносабатда бўлган функционал системадир”(6, 12).

Тил системасини икки хил тушуниш мумкин: 1. Методологик тамойил сифатида. 2. Тилнинг имманент (ташқи таъсирлардан холи) хусусияти тарзида. Албатта, мазкур тушунчалар ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчиси мавжуд бўлишини тақозо қилади. Аммо тил бирликларининг функционал қиммат касб этишини ўрганишда улардан иккинчиси муҳим аҳамият касб этади. Бунинг асосий боиси шундаки, тил системаси (ички имманент характерли система назарда тутилмоқда) *синергетик* кучга эгадир. Агар

синергетикани ўз-ўзини бошқариш деб тушунадиган бўлсак, у ҳолда тил системасининг бундай сифатга эга эканлиги изох талаб қилмайди.

Айни пайтда биз тил системаси тушунчасига урғу бермоқдамиз. Аммо бу билан нутқнинг ҳам мураккаб система эканлигини инкор этмоқчи эмасмиз. Шубҳасиз, нутқ ҳам ана шу синергетик куч куршовида фаолият кўрсатади. Бу жараёнга инсон омили иштироки бўлиши муқаррардир. Лекин шу билан бирга, нутқнинг ҳам фақат ўзигагина тегишли жиҳатлари мавжудки, уларнинг функционал фаоллик олиши синергетик кучга таянади.

Дарҳақиқат, тил белгиларининг нутққа кўчирилиш жараёнида фонологик бирликлар морфемалар билан, морфематик бирликлар сўзлар билан ўзаро кесишади ва бу орқали уларнинг функционал қимматлари белгиланади. Шубҳасиз, мазкур жараёнда сўзловчининг (инсон омилининг) ҳам мавқеи катта бўлади. Чунки у ўзининг дискурсив фаолиятида доимий равишда тил белгиларини танлаш билан машғул бўлади. Бошқача айтганда, инсон омили воситасида мулоқот шаклланар экан, тил бирликларининг нафақат нутқда қўлланиши, балки уларнинг муайян функционал салмоқ касб этиши ҳам у билан бевосита алоқадордир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М.: Прогресс, 1974. – 447 с.
2. Касевич В.Б. Семантика. Синтаксис. Морфология. – М.: Наука, 1988. – 311 с.
3. Лабов У. О механизме языковых изменений// Новое в лингвистике. Вып. 7. – М.: Прогресс, 1975. – С. 199–229.
4. Попова Е.А. Человек как основополагающая величина современного языкознания // Филологические науки, № 3. 2002. – С.69–75.
5. Падучева Е.В. О семантике синтаксиса – М.:Наука, 1974, 291 с.
6. Пономаренко Е.В. О развитии системного подхода в лингвистике // Филологические науки, № 5. 2004. – С. 24–33.
7. Чейф У.Л. Значение и структура языка. – М.: Прогресс, 1975. – 431 с.
8. Соссюр Ф.де. Заметки по общей лингвистике. – М.: Прогресс, 1990. – 275 с.